Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў

ISSN 2181-7138

№ 1/1 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:
А. Тилегенов

Редколлегия ағзалары:
Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Өсербай ӘЛЕЎОВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Кеңесбай ДАУЛЕТЯРОВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Асқарбай НИЯЗОВ
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕИТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДИЕВ
Ойбахор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

Шөлкемлестириўшилер:
Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў Министрлиги, ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жанындағы Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының 25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм хабар агентлиги тәрепинен 2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды №01-044-санлы гуўалық берилген.
Мәнзил: Нөкис қаласы, Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniipnkkf@umail.uz, mugallim-pednauk@umail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz

Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлыўматларға автор жуўапкер.

МАЗМУНЫ

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Рахмонов А.Р. Оилада фарзанд тарбиясини йўлга қўйиш асосида миллий ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ... 4
Шерматов М.Н. Ўқитувчи педагогик маҳорати ва компетентлик ... 7
Якубова М.Ю. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативликни шакллантириш ... 11
Байметов М.М. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграциясини таъминлашнинг дидактик тамойиллари ... 14
Балтабоев С. А., Сатторов В.Н. Талабалар мустақил ишлашини илмий ташкил қилиш ... 18
Караев В.Ш., Маматқулова З.С. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини аниқлаш ва баҳолаш ... 21
Сайидова М.Х. Инновацион педагогик технологиялар асосида ўқитиш - талабаларда умумкасбий билим ва кўникмаларни ривожлантириш омили ... 25
Нурматов Ф.А. Таълимнинг мактаб тизимида валеологик тарбияни муаммолари ... 30
Турсунов А.Э. Ҳарбий таълим технологиясининг педагогик асослари ... 32
Халмухамедова М.А. Нақшбандия тариқати илмий мероси орқали талабаларнинг маънавиятини ошириш ... 36
Хамидов Ж.А. Ўқувчиларни креатив тадқиқотчилик ва касбий кўникмаларини танқидий фикрлаш орқали ривожлантириш ... 39
Чориев И.Р. Специфика процесса подготовки в современной системе повышения квалификации ... 44

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲӘМ РУЎХЫЙЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Анкабаев Р.Т., Ибрагимов Х.Х. Тўгарак машғулотларида халқ амалий безак санъати ривожининг педагогик муаммолари тарихидан ... 48

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Абдуллаева М.С. Ўқувчилар касб – ҳунар кўникмаларини ривожлантиришда робототехниканинг ўрни ... 52
Лухманов Д.Б. Баркамол авлод болалар мактабларида робототехника, мехатроника, муҳандислик тўгаракларини кластер технологиялари асосида ташкил этиш ... 56

БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

Шермухамедов Р.С. "Баркамол авлод" болалар мактабларида тўгараклар фаолиятини ташкил этишнинг иновацион технологиялари ... 62
Юсупбаева А.С. Бошланғич синф ўқувчиларини жисмоний ривожланишида ҳаракатли ўйинларни ташкил этиш ... 67

ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲӘМ СПОРТ

Sultonov Z.S. Maktabda jismoniy tarbiya darslarini oʻtkazish xususiyatlari 72
Абдулахатов А.Р., Нигматуллаева Д.Р. Ғолиб ва мағлуб курашчилар мусобақа олди руҳий ҳолати ва техник-тактик маҳорат даражасининг ўзаро алоқадорлиги 75
Абдулахатов А.Р., Қулбулов Ф.Н. Спорт умуминсоний қадрият ҳамда тарбия воситаси сифатида 80
Болтаев Ш.Э. Ёш волейболчиларни инновацион ёндашув асосида машғулот жараёнини ташкил этиш 87
Худойберганов Ж.С. Кураш миллий спорт турини янада оммалаштириш ва ривожлантириш 92
Жумаев А.Т., Турдиев Ф.А. Бошланғич синф ўқувчиларида ҳаракатли ўйинларни кластер усулида олиб бориш 95
Зокиров У.М., Абдуназарова З.А. Актив ва пассив туризм турлари орқали ўқувчи-ёшларнинг жисмоний фаолиятларини ривожлантириш 100
Зокиров У.М., Назаров Ф.И. Ёш волейболчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш 103
Абдулахатов А.Р., Зулхайдаров Ж.А. Профессионал футболчиларни жисмоний тайёргарлиги бўйича моделлаштириш меъёрлари 106
Одилов О.Н. Жисмоний тарбия таълими жараёнида талабаларда экологик маданиятни ривожлантириш ижтимоий-педагогик зарурият 110
Султонов А.И. Йиллик тайёргарлик циклида эркин курашчиларни машғулот жараёнини ташкил этиш 114
Умаралиева Д.У., Тошқувватов О.А. Умумий ўрта таълим мактабининиг 7-8 синф ўқувчиларини спорт ўйинлари орқали жисмоний тайёргарликларини ривожлантириш .. 118
Хабибуллаев С.Х., Джурабоева Д. Мини футбол бўйича мусобақаларни ўтказишда мусобақа қоидаларининг аҳамияти 122
Шадиев А.Ё. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг тезкор-куч сифатларини амалиётга татбиқ этиш 125
Утепбергенов А.К., Шукурллаев Ж.М. Волейбол спорт тури воситасида мактаб ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришда акмеологик ёндашув 128
Зуфаров Т.У. Организация и методы подвижных игр для физического развития детей дошкольного возраста 132
Маматкулов Р.С. Значение кластерного метода в развитии физического воспитания студентов с использованием легкоатлетических упражнений 136
Маматкулов Р.С. Значение спортивно-оздоровительного кластера в подготовительной части уроках гимнастики 140

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲӘМ РУЎХЫЙЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

ТЎГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИДА ХАЛҚ АМАЛИЙ БЕЗАК САНЪАТИ РИВОЖИНИНГ ПЕДАГОГИК МУАММОЛАРИ ТАРИХИДАН

Анкабаев Р.Т.

Тошкент вилояти ЧДПИ «Тасвирий саньат» кафедраси катта ўқитувчиси

Ибрагимов Х.Х.

Тошкент вилояти ЧДПИ «Тасвирий саньат» кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: композиция, ижод, дастгоҳли, соя, ёруғ, тасаввур,асар, ганч, ёғоч, металл, суяк, тош, нақш.

Ключевые слова: композиция, создание, устройство, тень, свет, воображение, гипс, дерево, металл, кость, камень, узор.

Key words: composition, creation, device, shadow, light, imagination, gypsum, wood, metal, bone, stone, pattern.

Ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни келажак ҳаётга тайёрлаш, ижодий фаолиятга, одоб-ахлоқли бўлишга, илм олишга, фойдали юмушлар билан шуғулланишга тайёрлаш ишлари Шарқ халқларининг қон-қонига сингиб кетган ноёб амаллардандир. Таълим-тарбия ишларининг қонун билан ҳимояланиши, барча ташкилий, раҳбарлик ва таъминот ишларининг давлат тасарруфида бўлиши, давлатнинг, халқнинг ўз келажаги учун жиддий қайғуришидан далолат беради.

Шарқ халқларининг узоқ тарихида, ҳатто одамзод пайдо бўлишининг бошланғич даврларида, масалан, ибтидоий жамоа тузумида, қулдорлик жамияти тузумида ҳам ёш болаларнинг, келажак авлоднинг тарбиясига эътибор бериб келинган. Ибтидоий жамоа тузумида дастлаб ёғочлардан айрилар, ўткир учли найзалар ясаш ва улар билан ов қилиш ўргатилган бўлса, кейинчалик ёғочлардан турли тош, жез, суяк кабиларга дасталар ўрнатиш, улар билан меҳнат қилиш, ов қилиш, турли хил мосламалар ясаш ўргатилган. Қулдорлик тузумига келиб, ёғоч асбоблар, дасталар, мосламалар ясаш такомиллашди, ўзига хос сифат, жило берадиган қилиб, қўлланилиш мақсадига қараб, ўз вазифасини аниқ бажара оладиган қилиб ясалди ва бу ишлар фарзандларга, шогирдларга ўргатиб борилди. Ёғочдан уй-рўзғор буюмлари: челаклар, косалар, лаганлар, тоғоралар, бочкалар, сувдонлар, қошиқлар, турли асбоблар

учун дасталар, ғилдираклар, омоч қисмлари; ҳарбий мақсадлар учун ашёлар: найзалар ва ўқлар дасталари, эгарлар, деворларни бузиш мосламалари, манжанақлар, нарвонлар, кўприклар, декчалар, сафар анжомлари; қурилиш мақсадлари учун ашёлар: устунлар, тўсинлар, эшиклар, панжаралар, дарвозалар, курсилар, токчалар, аравалар, тахтиравонлар ва бошқа юзлаб номдаги мосламалар тайёрланган, ҳаётда самарали фойдаланилган. Албатта, ушбу ёғоч жиҳозларни тайёрлаш, ясаш ва фойдаланиш даврида ёш ўсмир болалар бевосита ёки билвосита иштирок этганлар, бу йўл билан уларнинг шу соҳадаги билимлари такомиллаштириб борилган. Феодал тузуми даврига келиб, буюк давлатчилик сиёсатлари баравар ривожлантирилди, барча соҳалардаги асбоб-ускуналар, жиҳозлар ишлаб чиқариш жуда кенг миқёсда тараққий этди, ҳатто, нафис санъат даражасига етди. Энди буюмлар ва жиҳозларнинг фақат иш бажаришга чидамлилигигагина эмас, балки нафис, гўзал, чиройли, безакли қилиб тайёрланишига ҳам жиддий эътибор берилди.

Ёшларни меҳнат қилишга, турли ҳунарларни эгаллашга даъват қилувчи фикрлар ёзма ва оғзаки манбаларда жуда кўп. Шарқнинг буюк мутафаккирларининг қимматбаҳо асарларида бу масалага жуда катта эътибор берилган. Пандномалар, насиҳатлар, ўгитлар, ҳунарлар рисолалари, тарихий асарлардаги тавсифлар, насрий ва назмий баёнларда, ғазалларда, таълимотларда ўз аксини топган.

Эрамизнинг VIII аср охири IX асрнинг бошида яшаб ижод этган аллома Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг (783-850) 20 дан зиёд асарларидан бизгача 10 га яқини етиб келган. Буюк мутафаккир ал-Хоразмий бутун дунё фани тараққиётида ёрқин из қолдирган олимдир. Унинг «Ал-жабр ва алмуқобала ҳисоби ҳақида», «Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб», «Қўшиш ва айириш ҳақида китоб», «Зиж» каби асарларидан ташқари «Астурлоб ясаш ҳақида китоб», «Астурлоб билан ишлаш ҳақида»ги китобларида ўта мураккаб ўлчов асбоблари ясаш ва улардан фанда фойдаланиш йўллари кўрсатилган. Демак, ўтмиш алломалари турли назарий ғоялар бериш билан чегараланиб қолмасдан амалда турли асбоблар, қурилмаларни ўзлари аниқ ҳисоблар асосида ясаганлар ва фойдаланганлар.

Ёшларга одоб-ахлоқ қоидаларини ўргатиш, уларни илм-фан сирларини эгаллашга жалб этиш, савоб ишларни бажаришга йўналтириш, ижод билан шуғулланишга даъват этишга жуда кўп алломалар ўз асарларида эътибор бердилар. Аҳмад Югнакий (XII аср), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870), Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий (824-892), Абу Наср Форобий (873-950), Абу Али ибн Сино (980-1037), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакий (860-941), Носир Хисрав (1004-1088), Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср), Махмуд Кошғарий (XI аср), Аҳмад Яссавий (1103-1166), Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389), Мирзо Улуғбек (1394-1449), Абдураҳмон Жомий (1414-1492), Алишер Навоий (1441-1501) каби кўплаб жаҳон маданиятининг, маънавиятининг етакчи алломалари сифатида тан олинган мутафакирларимиз ҳам ўз асарларида ёшлар таълим-тарбиясига, уларда инсоний фазилатларнинг шаклланишига, фойдали меҳнат қилишга, илм-фанни ўрганишга жиддий эътиборларини қаратганлар.

Мовароуннаҳрнинг улуғ мутафакирларидан Абу Наср Форобий ўз умри давомида илм-фаннинг турли соҳаларига бағишланган 160 дан зиёд асарлар битган. Улар орасида «Нуфузли шаҳар аҳолисининг мослиги», «Бахт-саодатга эришув

йўллари ҳақида рисола» (Рисола фи-т танбиҳ ала асбоб ас-саодат), «Фазилатли хулқлар» (Ас-сийрат ал-фозила) номли таълим-тарбияга оид асарлари инсон фазилатлари, таълим-тарбия борасидаги ноёб дурдоналар ҳисобланади.

Табобат илмининг етакчи намояндаси сифатида танилган буюк қомусий аллома Абу Али ибн Сино 450 дан зиёд асарлар яратган. Шулардан 160 дан зиёди бизнинг давримизгача етиб келган бўлиб, 4 таси бевосита таълим-тарбияга оид. Шарқ мутафаккирларининг илмий асарлари, ижодий мерослари миллий қадриятларимизнинг, жаҳон маънавий меросининг жуда улкан қисми бўлиб, барча соҳаларда келажак авлодга ўрганиш ва ўргатишда чексиз таълим-тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Тасвирий ва амалий санъат асарлари бизгача турли кўринишларда етиб келган. Хусусан: Одамзоднинг қадимги турар жойларида ғорлар деворларида акс эттирилган чизмалар, тасвирлар; турли буюмларда лойдан, тошдан, рангли материаллардан, суяклардан, ёғочлардан ишланган асарлар; турли тарихий обидалар, меъморий бинолардаги нақшлар; тарихий ёдгорликлардаги устунлар, эшиклар; хонтахталар, лавҳлар, курсилар.

Мусаввирлик, графика санъати Шаркда қадимдан тарқалган бўлиб, Султон Али Машҳадий, Камолиддин Беҳзод, Моний, Содиқ Бек Афшор, Устод Гунг, Устод Жаҳонгир, Устод Абдулхамид, Устод Шамсиддин, Устод Пир Саид Аҳмад Табризий, Аҳмад Боғи Шамолий, Шоҳ Муҳаммад Тамимий, Қосим Али, Хўжа Ғиёсиддин Ҳиравий, Амршоҳ Сабзаворий, Мирак Наққош, Халил Мирзо Шоҳруҳий, Султонали Машҳадий, Мавлоно Жаъфар Турбатий каби кўплаб йирик санъаткорлар жаҳон тасвирий санъатида маълум ва машҳур устодлар ҳанузгача эъзозланадилар.

Ижодкорлик фаолияти, алоҳида қунт-эътибор, иқтидор, салоҳият маҳсули бўлган тасвирий ва амалий санъат жуда кўп қиррали, сержилодир. Демак, бу соҳа билан шуғулланган санъат намояндалари ўзига хос қобилиятли баркамол инсонлар бўлиб, ижоднинг бошқа соҳаларида ҳам салмоқли ютуқларга эришганлар. Масалан, шоир Жавҳарий совунгар, Мавлоно Хавофий тикувчи, шоир Мавлоно Мир Арғун чодир ясовчи ва безовчи бўлганлар. Мавлоно Алишер Навоий ҳазратлари ҳам шоир, давлат арбоби бўлиш билан биргаликда мусаввирликда ҳам муваффақиятга эришган. Тасвирий ва амалий санъатнинг ажралмас қисмларидан ҳисобланган ўймакорлик санъати турли материалларга, тасвирларни ўйиб ёки бўрттириб тасвирлаш тарзида намоён бўлади. 200 дан зиёд турли тармоқларга бўлинадиган амалий санъат ҳам тарих силсилаларида тараққий этди, такомиллашди, ривожланди.

Ўймакорлик – ўйиб нақш солиш касби; халқ амалий санъатининг энг қадимий ва кенг тарқалган турларидан (ганч, ёғоч, металл, суяк, тош ва б. ўймакорлиги) нақш ёки бирор тасвирни ёғоч, ганч, металл, тош, суяк ва бошқаларни ўйиб, тирнаб, чизиб, бўрттириб, тешиб ишланади. Ўймакорлик намуналари бино қисмларини, уй-рўзғор буюмларини безашда, ҳайкалчалар яратишда кенг қўлланилади

Ҳозирги пайтда республикамизда амалиётга жорий этилаётган таълим-тарбия тизимида, жумладан, ушбу тизимнинг умумтаълим босқичида бевосита ёғоч ўймакорлигидан доимий равишдаги ўқув машғулотлари олиб борилмайди. Амалий санъат таълимининг кўплаб турлари каби ёғоч ўймакорлиги ҳам ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари ўқув фаолиятида, мустақил ўрганишларида амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Таълим тизимида, хусусан, умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг амалий санъат сирларини ўрганишларида синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил этишнинг аҳамияти каттадир. Тасвирий ва амалий санъат бўйича ташкил этиладиган синфдан ва мактабдан ташқари тадбирларни ўтказишда ўқувчиларнинг эстетик маданиятини шакллантириш, санъатнинг, гўзалликнинг ажойиб дунёсини ўрганишга, ҳис қилишга бўлган интилишларини, қизиқишларини шакллантириш ва тарбиялаш, ўз фаолиятини гўзал қилиб ташкил этишларига йўналтиришни мақсад этиб қўймоқ лозим.

Адабиётлар:

1. Аҳмедов М.Б. Ёғоч ўймакорлиги. –Т.: Адабиёт учқунлари, 2017, -220 б.
2. Х.Э.Султанов, Р.Т.Анкабаев Ёш мусаввир (методик қўлланма) Тошкент 2017
3. Тўгарак машғулотларида ўқувчиларнинг бадиий ижодий компетенцияларини ривожлантириш методикаси. Муғаллим ҳәм узлуксиз билимлендириў – 2020 yil № 2. ISSN 2181-7138
4. Tasviriy san'at to'garaklarida o'quvchilariga Zomin manzarasini chizish orqali estetik madaniyatini rivojlantirish metodikasi Academic Research in Educational Sciences ISSN 2181-1385 VOLUME 1, ISSUE 2 OCTOBER 2020
5. Султанов Х.Э., Пак В.Ш., Кукиев Б.Б. Использование новых информационных коммуникативных технологий на уроках изобразительного искусства МОЛОДОЙ УЧЁНЫЙ научный журнал №4 2016. С-829-833;
6. Хайруллаев М. Шарқ ренессанси ҳақида. –Т.: //Гулистон, 1970, №8.
7. Ўзбекистонда умумий ўрта таълим концепцияси. //Халқ таълими. 1992, №2, –9 –18 б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада Амалий санъат ва унинг турлари, ҳақида маълумотлар баён этилган. Амалий санъатининг ифодавий воситалари ва ўқувчиларнинг тасвирий ижодий фаолиятини амалий санат орқали шакллантириш масаласи ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье представлена информация о прикладных искусствах и их видах. В статье рассматривается проблема формирования изобразительной творческой активности учащихся выразительными средствами прикладного искусства и прикладного искусства.

SUMMARY

This article provides information on the applied arts and their types. The article deals with the problem of the formation of the visual creative activity of students by expressive means of applied art and applied art.

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық
илим-изертлеў институтының Ж. Орынбаев атындағы
Қарақалпақстан филиалы

«МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ» № 1/1

Нөкис — 2022

Басып шығыўға жуўапкер:
А. Тилегенов

Баспаға таярлаған:
А. Тилегенов, Н. Абдукаримов

Оригинал-макеттен басыўға рухсат етилди 17.02.2022. Форматы 60x84 $^1/_{16}$
«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.
Шәртли б.т. Нашр. т. Нусқасы 2000. Буйыртпа №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.
Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро, 51